



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 3 май, № 86 (5506)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 29 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда, № 9, 248-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 2 май
№ ЎРҚ—328

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги тахрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манfaatдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаолигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Нотижорат таъминлашга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига таъбир этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ муносабатлар чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

4-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда).

Гўзаллик, нафосат, ободлик

Наманган шаҳри саранжом-саришталик, тозаллик ва кўкаламзорлаштириш туфайли тобора чирой очиб бормоқда.

Азалдан Наманганни «Гуллар шаҳри», дейишди. Кейинги йилларда мазкур ҳудудда юз бераётган янгиланишлар, олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишлари, хусусан, замонга мос барпо этилаётган гулзору хиёбонлар шаҳарнинг янада чирой очишига хизмат қилмоқда. Буларнинг бари Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳар қиёфасини ўзгартириш, унинг инфратузилмасини янгилash орқали аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар самарасидир.

Бунёдкорлик

Таъкидлаш жоизки, наманганликлар бу йилги кўлажда янги бог ва гулзорлар яратишга алоҳида эътибор қаратдилар. Гап шундаки, Наврўз байрами арафасида уюштирилган умумхалқ ҳашари жараёнида минглаб туп манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилган эди. Бугун улар бехато қўқариб, атрофга ўзига хос яшиллик бахш этмоқда. Апрельнинг биринчи ҳафтасида эса шаҳарнинг барча ҳудудида мажжуд гуллар парваришланиб, янги гулзорлар ташкил этилди. Бу юмушга барча бирдек бош қўшгани таҳсинга лойиқ.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўча бўйлири ва янги ташкил этилаётган хиёбонларга илгаригидек фақат атиргуллар эмас, балки йил бўйи яшнаб, кен кузга қадар атрофга ифोर таратиб турадиган мавсумий гуллар ўтказилаяпти. Гул уруғлари хориждан келтирилиб, маҳаллий шароитда кўпайтириш йўлига қўйилгани, кўчатлар ўз вақтида



етказиб берилаётгани бу борда муҳим омили бўлаётди.

— Ўттиз сотиқлик иссиқхонамизда Голландия петуньяси, тагетес, салвия, катарантус сингари 30 хилдан ортиқ гул кўчатларини етиштиряяпмиз, — дейди «Мусаффо гранд ойл» хусусий корхонаси раҳбари Анваржон Рахимов. — Бу йилги баҳорда 40 нафар ишчининг сазъ-харакати туфайли бир миллион тупга яқин

кўчат тайёрланди. Биз уни харидорларга етказиб бериш билан бирга, кўчатларни ўтказиш ва парваришlash агротехникасини ҳам обдан тушунтиряяпмиз.

Шаҳарда гулчиликни оилавий бизнесга айлантирган хонадон бўлиб қўлаётгани диққатга сазовор. «Чорсу» деҳқон бозори ва Давлатободаги «Яшил деҳқон» бозорида фаолият кўрсатаётган алоҳида раста ва гул дўконлари-

да бўлган киши бунга, албатта, гувоҳ бўлади.

— Кўкаламзорлаштириш тадбирларида корхона, ташкилот ва муассасалар фаол иштирок этаёпти, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рохила Мирзаева. — Улар томонидан Мустақам оила йилида жами 3 миллион тупдан ортиқ мавсумий ва узок муддатли гул кўчатлари ўтказиш орқали шаҳримизни чи-

накам чаманзорга айлантиришни режалаштиряпмиз.

Дарҳақиқат, кўнгли гулдай тоза, нафосат ошуртаси бўлмиш наманганликларнинг гайрат-шижоатлари натижасида кўҳна ва замонавий шаҳарнинг ҳар бир гўшаси гулдан зийнатланмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, Шомурот ШАРАПОВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Тадбир

Тошкентда 1 май куни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси, Сьюзен Комен номидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди (АҚШ) ва «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони ўтказилди.

«ҲАЁТ УЧУН!» ХАЙРИЯ ФОРУМ-МАРАФОНИ

Ўзбекистонда илк бор кенг кўламли ўтказилган ушбу форум-марафонда уч йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 100 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Жорий йилда мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрида 20 мингдан ортиқ ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қарийб 40 минг иштирокчини қамраб олди. Бундай кенг кўламли хайрия марафонларини ташкил этиш кўкрак беши саратони касаллигига қарши курашишга жамоатчилик эътиборини қаратиш ва манфаатдор одамларни жалб этиш имконини бермоқда.

Бу йилги марафонда маданият ва санъат, эстрада, кино, театр намояндалари, спортчилар, шифокорлар, дипломатик корпус, жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижлик меҳмон-

лар, талабалар, мактаб ўқувчилари, жисмоний имконияти чекланган одамлар, марафонларнинг вилоятларидаги энг фаол қатнашчилари, қисқача айтганда, хайр-саховат ҳамда хотин-қизлар саломатлигини сақлаш госяига бефарқ бўлмаганлар иштирок этди.

«Марафон — 2012» беш босқичда бўлиб ўтди: 1) инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича югуриш; 2) ёш болали оилалар; 3) мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари; 4) турли ташкилотлардан хотин-қизлар, шифокорлар ва дипломатик корпус вакиллари; 5) талабалар, кўнглилар, артистлар, спортчилар.

Тадбир давомида старт ва финишда кўкрак бешини текшириш бўйича рисолалар тарқатилган ахборот пунктлари ташкил этилди ва уларда шифокорлар саволларга жавоб қайтарди.

«Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази кўнглиларга ўртасида «Футбол ҳаёт учун!» хайрия футбол уюшмаси бўлиб ўтди.

28 апрель кун «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси ва АҚШнинг Сьюзен Комен но-

мидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди томонидан Ўзбекистонда кўкрак беши саратонига қарши курашиш халқаро фонди чалинган хотин-қизларни ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Пенсия жамғармаси, фармацевтика компаниялари, маънавият муассасалари вакиллари, шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшунослар ҳамда кўкрак беши саратони билан касалланган хотин-қизлар иштирок этди.

Форум-марафони Ўзбекистонда 2010 йилдан буюн ўтказиб келинмоқда. Аньёнга кўра, унда тўпланган маблағлар «Ҳаёт учун!» кўкрак

Қишлоқни марказ билан боғлайди

Термиз шаҳридаги «Яшил чироклар» масъулияти чекланган жамияти 4 та «Исузу» автобусини харид қилиб, шаҳар атрофидаги манзилларга мунтазам қатновларни йўлга қўйди.

Қулайлик

Айни пайтда аҳолининг узогини яқинлаштиришга хизмат қилаётган ушбу лойиҳа банкнинг 278 миллион сўмлик кредити ҳисобидан молиялаштирилди.

— Яна шундай 4 та автобуслар воситасини сотиб олишни режалаштиряяпмиз, — дейди корхона раҳбари Илҳом Эшмуродов. — Нияти-

миз амалга ошиши билан Сурхондарё вилоятининг энг чека ҳудудларини Термиз шаҳри билан боғлайдиган йўналишларни ташкил этамиз. Вилоятда жорий йилда хизмат кўрсатиш, савдо ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали 17 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаровонлик ифодаси

Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми

6,1 фоиз ўсди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини янгилash мақсадида илм-фаннинг илгор ютуқлари ва замонавий технологиялар амалиётга изчил табиқ этилаётгани, айниқса, иссиқхоналар майдони тобора кенгайтирилаётгани туфайли соҳада ана шундай юқори ўсишга эришилди. Натижада юртимиз аҳолисининг дала ва наъматларига бўлган эҳтиёжи қиш-баҳор фаслларида ҳам улзусиз таъминланди.

Қисқа сатрларда

«Ийлинг энг фаол хамшираси» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи якунланди. Унда 14 нафар тиббиёт хамшираси 5 та шарт бўйича ўз касбий маҳорати, билим ва малакасини намойиш этди. Якунда вилоят 1-асаб касалликлари диспансери хамшираси Дилсора Қиличева танлов ғолиби деб топилди.

«Хива шаҳрида «Хоразм Маъун академияси ва Ибн Сино» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ибн Сино жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи ва талабалар қатнашди. Анжуманда буюк алломанинг бой илмий мероси ҳақида маърузалар тингланди.

Анджонда «Миллатларо тотувлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзусида дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Анджон давлат университетида ташкил этилган «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» расмлар ва ижодий ишлар кўргазмасидан бошланди. Шунингдек, анжуман доирасида Қўрғонтепа туманида дўстлик фестивали, Хўжаобод туманида давра суҳбати ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Бир рақам шарҳи

